

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.11049033>

ХАЛҚ МАЪРИФАТИ УЧУН КУРАШГАН ЖАДИДЧИЛАР

Худойбергенова Патма Тошполатовна

Тошкент Давлат стоматология институти

“Ижтимоий фанлар биоэтика курси билан ”кафедраси доценти,
фалсафа фанлари номзоди

Махмудалиев Самандар Сирожиддин ўғли

Тошкент Давлат стоматология институти талабаси

АННОТАЦИЯ

XIX аснинг иккинчи ярмида урта хонлик уртасидаги ички зиддиятлар киска вақт ичида Чор Россияга тобе бўлишига олиб келди. Оскинчилар томонидан Урта Осиё халқлари нафакат таланди, хурланди, зулм утказилди хаттоки маданиятимизни ер билан яқсон килди. Европа давлатларида илм фан тараққий тоаетган вақтда бизнинг халқимиз тобеликда яшади. Буни кузатаётган қрим-татар фарзанди Исмоил Гаспирали (1851-1914) биринчи бўлиб англади.

Калит сўзлар: *Маърифат, илм, усул, жадинд, савод, мусулмонлар, матбуочилик, ноширлик, илм-фан, адабиёт, маданият, маорифни миллий.*

Шарқ билан Ғарбни таққослаб мусулмонлар ва туркийлар дунёси, хусусан Россия тасарруфига олинган мусулмонларнинг жаҳон тараққийидан узилиб қолаётганини қрим-татар фарзанди Исмоил Гаспирали (1851-1914) биринчи бўлиб англаб халқ саводини чиқаришнинг янги усулини топди. У туркий халқлардаги жаҳолатни йўқ қилиш, маънавият-маърифат орқали тараққий топган мамлакатлар даражасига кўтарилиш ҳаракатини бошлаб берди. Исмоил Гаспирали маорифни ислоҳ қилиш, мактабларда дунёвий фанларни ўқитиш масаласини кўтарди. У 1884 йилда Қримдаги Бокчасарой шаҳрида жадинд мактабига асос солди.

«Жадинд» арабча сўз бўлиб «янги» деган маънони билдиради. У ўзи ташкил этган мактаб ўқувчилари учун ўқув дастури тузди ва дарсликлар ёзди. У 40 кун ичида 12 ўқувчининг саводини чиқариб, тезда шуҳрат қозонди. «Таржимон» газетасини чиқариб, ўз ғояларини ёйди. 1888 йилда «Раҳбари муаллимин ёки муаллимларга йўлдош» китобини нашр этиб, жадинд мактабларининг қурилиши,

дарс ўтиш мазмуни, жиҳозланиши, синов ва имтиҳонлар олиш усулларши баён этиб берди.

XIX асрнинг 80-йил охирида мамлакатимизда жади́дчилик ҳаракати пайдо бўлди. Тошкентда – Мунавварқори ва Авлоний; Самарқандда – А.Мунзим, С.Азизий, Мулла Қилич; Бухорода – Жўрабой Махсум; Кўқонда – Ҳамза; Наманганда – Сўфизода ва Ибрат каби олиму фузалолар мактаб очиш, ноширлик, саводхонликни ошириш борасида муҳим ишларни амалга оширдилар. Бу жараён I жаҳон урушигача давом этди. Бутун мамлакат бўйлаб кўплаб жади́д мактаблари фаолият олиб борди. Шунингдек, матбуочилик, ноширлик, илм-фан, адабиёт, маданият, маорифни миллий асосга кўчиришга интилиш кучайди;

2) I жаҳон уруши Россия империясидаги аҳволни янада мураккаблаштириб юборди, унинг ҳудудида сиёсий ҳаракатлар кучайиб кетди. Бу даврда жади́дчилик ўта ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этиб, унинг ғоялари асосида сиёсий партиялар тузилди;

3) 1917 йил октябрида Россиядаги давлат тўнтаришидан кейин Кўқонда Туркистон Мухторияти тузилди ва орадан бир йил ўтмасдан, большевиклар томонидан зўравонлик билан йўқ қилинди. Мухторият раҳбарлари, уни эълон қилишда иштирок этган ёки унга хайрихоҳ бўлганлар ҳам бадарға ва қувғин қилинди, қатағонга учради.

Исмоил Гаспирали ғоялари Туркистонга ҳам кириб колди. 1893 йилда У Туркистонга келиб, илғор зиёлилар билан учрашди, Бухоро амири ҳузурида бўлиб битта жади́д мактаби очишга розилик олди. Туркистонлик зиёлилар жади́дчиликни ёқлаб маорифни ислоҳ қилиш «Усули жади́д» мактабларини ташкил этишга киришдилар. 1893 йилда Кўқонда Салоҳиддин домла, 1899 йилда Андижонда Шамсиддин домла ва Тошкентда Маннон қори жади́д мактабига асос солдилар. 1903 йилда Туркистонда 102 та бошланғич ва 2 та ўрта жади́д мактаблари фаолият курсатди.

Туркистон жади́дларига Маҳмудхўжа Бехбудаё, Абдуқодир Шақурий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний ва бошқа ўнлаб миллий зиёлилар раҳнамолик қилдилар. Улар дастлаб маорифни ислоҳ қилиш йўлидан бордилар. «Усули жади́д» мактаблари тармоғи кенгайиб борди, уларда диний таълим билан бирга тиббиёт, ҳикмат, кимё, нужум, ҳандаси каби дунёвий билимлар ўрнатилди савод чикариш. тезлаштирилди. Жади́длар ёшларни чет элларга ўқишга юбориш ташаббуси билан чиқдилар. Бой табақанинг илғор вакиллари жади́дларнинг бу ҳаракатини маъқуллаб, тегишли маблағ билан кўмаклашдилар. Кўпгина умидли ёшлар Германия, Миср, Туркия ва Россиянинг

марказий шаҳарларига ўқишга юборилди. 1910 йили Бухорода мударрис Хожи Рафий ва бошқалар «Болалар тарбияси» хайрия жамиятини ташкил этиб, 1911 йилда 15 та, 1912 йилда 30 та талабани Туркияга ўқишга жўнатди. 1909 йилда Мунаввар қори тузган «Жамияти хайрия» ҳам мискин ва ожиз талабаларга ёрдам берар, ёшларни чет элга ўқишга юборишга ёрдамлашар эди. Жадиждлар Туркистонда миллий матбуотга асос солдилар. Мунаввар қори 1906 йилда «Хуршид» («Қуёш») журналини ташкил этиб, унга ўзи муҳаррирлик қилди. Журнал халқнинг ҳақ-ҳуқуқларини танишга, миллий уйғонишга хизмат қилди. Аммо мустамлакачи маъмурлар тезда журнални чиқаришни ман қилдилар. М.Бехбудийнинг 1913 йилда «Самарқанд» газетаси ва «Ойна» журналини чиқара бошлади. У «Нашриёти Бехбудия» хусусий нашриётини, унинг ҳузурида «Кутубхонаи Бехбудия»ни ташкил этди. Газета ва журналда миллат ва она юрт дарди, халқни маърифатли қилиш, эркинлигини таъминлаш масалаларига бағишланган долзарб мақолалар чоп этиларди. Улар Чор Россияси тасарруфидаги туркий халқларга, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркиягача бориб етарди.

Тараққийпарвар ўзбек зиёлиларининг етакчиси Асадуллахўжа ўгли Убайдуллахўжа 1913 йилда «Тараққийпарвар» деб ном олган зиёлиларнинг фирқасини тузади ва 1914 йилда фирканинг «Садои Туркистоя», «Садои Фарғона» газеталари чиқарилади. Бу газеталар саҳифаларида эълон қилинган мақолалар оммани мустабид тузумга қарши кўзгатишга хизмат қилди.

Жадиждлар миллий театрга асос солдилар. Мунаввар қори раҳнамслигида 1913 йилда мусулмон драма санъати ҳаваскорлари жамияти - «Турон» труппаси тузулди. 1914 йил 27 февралда Тошкентдаги «Колизей» театри биносида ўзбек миллий театрининг биринчи расмий очилиши маросими бўлди. Мунаввар қори ўзбек миллий театрининг биринчи пардасини очар экан шундай деган эди: «Туркистон тилида хануз бир театр ўйқалмағонлиги барчангизга маълумдир.. Театрнинг асл маъноси «ибратхона» ёки «улуғлар мактаби» деган сўздир. Театр саҳнаси ҳар тарафи ойнабанд қилинган бир уйга ўхшайдурки, унга ҳар ким кирса ўзининг ҳусн ва қабихини, айб ва нуқсонини кўриб кбрат олур». Ўша куни саҳнада М.Бехбудийнинг «Падаркуш» пьесаси намоёиш этилди. Унда ислом динининг Туркистондаги бузилишлари тасвирланиб тамошабин эътиборини нажот йўли - маориф, маорифни эса «покланган дин» бераолади, деган гояга қаратади, «Тўй», «Заҳарли ҳаёт». «Жуванмарг», «Бахтсиз куёв» пьесаларида хотий-қизларнинг ҳуқуқсизлиги, кўпхотинлик, мажбурий никоҳ оқибатлари каби муаммолар ёритилади.

Жадид ҳаракати 1929 йил Шурулар ҳокимияти томонидан тугатилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Gapparovna, Sattorova Dildor, and Xudaybergenova Patma Toshpulatovna. "IMPROVING THE QUALITY OF MEDICAL SERVICES IN IMPROVING THE GENE POOL OF THE POPULATION IN OUR COUNTRY." *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal* 9.10 (2021): 138-141.
2. Худойбергенова, Патма Тошпулатовна. "КАЧЕСТВА НЕОБХОДИМЫЕ ДЛЯ ВРАЧЕЙ ДЛЯ РАЗВИТИЯ ДОВЕРИТЕЛЬНОГО ОТНОШЕНИЯ ПАЦИЕНТА К ВРАЧУ." *Новости образования: исследование в XXI веке* 1.5 (2022): 646-648.
3. Худайбергенова, Патма Ташпулатовна. "ОБРАЗ МАВЛОНО ДЖАЛОЛИДДИНА РУМИ В КОНТЕКСТЕ ГУМАНИСТИЧЕСКИХ ТРАДИЦИЙ ВОСТОКА И МУСУЛЬМАНСКОЙ БИОЭТИКИ." *Гуманитарный трактат* 33 (2018): 28-30.
4. Умарова, Дилорам Арифовна, and Патма Ташпулатовна Худайбергенова. "РОЛЬ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА В РЕШЕНИИ ПРОБЛЕМ ГУМАНИЗАЦИИ МЕДИЦИНЫ." *Гуманитарный трактат* 97 (2020): 25-28.
5. Худойбергенова, П. Т. "ЎЗБЕКОНА ТУРМУШ ТАРЗИДА БЎШ ВАҚТДАН Фойдаланиш хусусиятлари." *Инновационные исследования в современном мире: теория и практика* 2.11 (2023): 51-55.
6. Мухамедова, Замира Мухамеджановна, and Патма Ташпулатовна Худайбергенова. "ОТНОШЕНИЯ ВРАЧ-ПАЦИЕНТ В МЕДИЦИНСКОЙ ЭТИКЕ АЛ РУХАВИ И АЛ РАЗИ." *Гуманитарный трактат* 21 (2018): 35-37.
7. Khudaybergenova, P. T. "UZBEKISTAN: ETHNO CULTURAL IDENTITY AND TOLERANCE UNDER CONDITIONS OF GLOBALIZATION." *Социосфера* 4-2 (2013): 52-54.
8. Худойбергенова, П. Т. "БУГУНГИ КУНДА ЁШЛАРНИНГ ОНГИ ВА ҚАЛБИНИ ЭГАЛЛАШДА ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ КИЛИНАЁТГАН МАФКУРАВИЙ ХУРУЖЛАР." *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences* 3.2 (2023): 683-687.